



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI**  
**BOG‘OT TUMANI HOKIMINING**  
**QARORI**

Bog‘ot shaharchasi, O‘zbekiston ko‘chasi, 18-uy

2021 -yil 14 - aprel

7594 -son

Bog‘ot shaharchasi

Фуқаро Рахимов Шодлик  
Куранбоевичнинг турар жой биносига  
бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш  
тўғрисида

Боғот тумани “Қалажикқалъа” маҳалласида яшовчи фуқаро Рахимов Шодлик Куранбоевичнинг “Қалажикқалъа” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 7 апрелдаги ШЯ-Р-1547-сонли аризасини, “Қалажикқалъа” маҳалласи фуқаролар йиғинининг маълумотномасини ҳамда Хоразм вилояти ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонаси Боғот туман филиалининг 2021 йил 7 апрелдаги 1172-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20-январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

**Қ А Р О Р      Қ И Л А М А Н :**

1. Боғот тумани “Қалажикқалъа” маҳалласида жойлашган 9 (тўққиз)та хонадан иборат, яшаш хоналари 4 (тўрт)та бўлиб, ички ўлчами 87,5 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 5 (беш)та бўлиб, ички ўлчами 174,25 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 261,75 квадрат метр, қурилиш ости майдони 334,75 квадрат метр, умумий ер майдони 1250,0 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан фуқаро Рахимов Шодлик Куранбоевичга мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.

2. Фуқаро Рахимов Шодлик Куранбоевичга ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, кўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширганда Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Фуқаро Рахимов Шодлик Қуранбоевичга ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Курыязов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими



Ш.Яхшибаев